

**«ЎЗАГРОЭКСПОРТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ  
БАНК КЕНГАШИ МАЖЛИСИНИНГ  
БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА**

2020 йил « 9 » 12

№ 17

Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 79А-уй,  
соат \_\_\_\_\_

**Кун тартиби:**

**«Ўзагроэкспортбанк» АТБ Бошқаруви таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида**

**Кун тартибидаги масала юзасидан** Банк Бошқаруви Раиси Н.Алимов томонидан «Ўзагроэкспортбанк» АТБ Уставининг 10.13.-бандига асосан банк Бошқаруви раиси ва Бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Банк кенгашининг ваколат доирасига киритилганлигини маълум қилди.

Шунингдек, «Ўзагроэкспортбанк» акциядорлик тижорат банки Бошқаруви тўғрисида»ги низомнинг 2.5.-бандига мувофиқ Банк Бошқаруви таркибига Бошқарув раисининг тавсияси билан банк фаолиятининг муҳим йўналишларини таъминловчи таркибий тузилма раҳбари ҳам киритилиши мумкинлиги белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш маркази директори С.А.Машариповни банк Бошқаруви таркибига киритиш таклифи билдирилди.

Банк кенгаши билдирилган таклиф ҳамда банк Бошқаруви таркибига номзодлар кўриб чиқилди ва қарор қабул қилиш учун овозга қўйилди.

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб кун тартибидаги масала юзасидан Банк кенгаши томонидан **қарор қилинди:**

1.«Ўзагроэкспортбанк» АТБнинг Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш ва лойиҳаларни бошқариш маркази директори С.А.Машарипов банк Бошқарув аъзоси этиб тайинлансин ва у билан амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартнома тузилсин. Шунингдек номзод лавозимига киришишдан олдин Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиши таъминлансин.

**Банк кенгаши котиби**

2020 йил « 9 » 12

 **Ж.С.Юнусходжаев**

**ASLIGA TO'G'RI**

